

Қурбонлик қилиш жоиз бўлмаган кишилар



14:00 / 14.06.2023 3486

Ўта ночор ёки зиммасида бандаларнинг ҳақи бор кишилар энг аввал ўша ҳақларни адо қилишлари шарт. Лекин баъзилар барча ҳақдан кўз юмиб, яъни унинг адосини кейинга қолдириб, фахрланиш, риё учун ёки бошқаларнинг маломатидан қўрқиб, қурбонликка қаттиқ туришади. Ҳеч паст кетишмайди. Агар ўзларида маблағ бўлмаса, қарз олиб бўлса ҳам қурбонлик қилишади.

Баъзи кишилар ўликларига ҳам қўшиб бир неча ҳисса қурбонлик қилишади. Зиммаларидаги тирикларнинг вожиб ҳақларини эса унутиб қўйишади. Ваҳоланки, бир танга қарзни адо қилишлик, юз дирҳамга қурбонлик сотиб олишдан яхшироқ. Бу ҳолатда киши бировнинг ҳақини адо этмаганига алоҳида гуноҳкор бўлса, нияти бузуқлиги учун яна бир гуноҳга қўл уради.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имкони бор одамнинг қарзни бермай, чўзиши зулмдир», дедилар».

Албатта, бирон кишининг ҳақи поймол қилинмаса ва риё аломати бўлмаса, нафл қурбонлик мустаҳаб ва муҳаббатнинг белгиси. Шунингдек, умуммусулмонлар, дин уламолари, хусусан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан қурбонлик қилиш мандуб амалларнинг энг суюклиси, яъни мустаҳаб ишларнинг энг афзалидир. Нафл қурбонлик қилиш манфаат, лекин бировнинг ҳақини, қарзини адо этмаслик зарар. Нафл қурбонлик қилиш зарар етмагандагина жоиз бўлади.

«Қурбонлик сўйишлар ва ақиқага оид масалалар» китобидан